Шухрат Рустамович ТОХТИЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбашунослиги ИРСИКА
кафедраси ўқитувчиси
E-mail: shuhrat55567@mail.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАЗРАТ АЛИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАР

СВЯТЫНИ, СВЯЗАННЫЕ С ИМЕНЕМ ХАЗРАТА АЛИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

SHRINES ASSOCIATED WITH THE NAME OF HAZRAT ALI IN CENTRAL ASIA

Аннотация: *Мақолада Ҳазрат Али шахсини шиалар ўртасида илоҳийлаштирилиши туфайли турли ривоятларнинг келиб чиқишига ва ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам халифа Али номи билан боғлиқ муқаддас жойлар вужудга келгани ёритилган бўлиб, шиалар Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёрати вақтида амал қилинадиган тартиб-қоидалар, удум ва маросимларни бажариши каби шундай тартиб-қоидалар асосида ўзларининг муқаддас шаҳарларини ҳам зиёрат этишлари аниқланган.*

Таянч иборалар: *Марказий Осиё, Ҳазрат Али, Ироқ, Нажаф, Шоҳимардон, Дулдул, ривоят, суннийлар, шиалар, Мозори Шариф.*

Аннотация: *В статье рассматриваются истоки различных легенд, связанных с обожествлением личности Хазрата Али среди шиитов, а также возникновение святых мест, связанных с именем халифа Али в современных Узбекистане, Таджикистане, Азербайджане, Туркменистане и Афганистане. Также было обнаружено, что шииты посещают свои священные города проводя таких процедур, как выполнение ритуалов и обычаев, которым следуют во время паломничества хаджа в Мекку и Медину.*

Ключевые слова: *Центральная Азия, Хазрат Али, Ирак, Наджаф, Шахимардон, Дулдул, легенды, сунниты, шииты, Мазари Шариф.*

Abstract: *The article examines the origins of various legends associated with the deification of the personality of Hazrat Ali among Shiites, as well as the emergence of holy places associated with the name of Caliph Ali in modern Uzbekistan, Tajikistan, Azerbaijan, Turkmenistan and Afghanistan. It has also been found that Shiites visit their holy cities on the basis of procedures such as performing rituals and customs that are followed during the Hajj pilgrimage to Mecca and Medina.*

Key words: *Central Asia, Hazrat Ali, Iraq, Najaf, Shahimardon, Duldul, legends, Sunnis, Shiites, Mazari Sharif.*

Марказий Осиёдаги шиа жамоаларининг муқаддас жойлари ва урф-одатларини таърифлашдан олдин даставвал ушбу муқаддас жойлар ва урф-одатларнинг келиб чиқиши тарихига назар ташлаш лозим. Зеро, ҳозирги пайтга келиб, ушбу муқаддас жойлар ва уларда бажариладиган маросимларга замонавий шиа жамоалари томонидан қай тарзда амал қилинишини қиёсий тарзда кўришимиз мумкин.

Мусулмон – шиалар (асосан имомийлар, зайдийлар) учун Макка ва Мадинага ҳаж зиёратидан кейин асосий зиёрат жойи Нажаф, Карбало, Қум ва Машҳад ҳисобланади.

Нажаф шаҳридаги Машҳади Али Ироқдаги Куфа шаҳридан 10 км ғарбда, Месопатамия водийси ва саҳроси чегарасида жойлашган зиёратгоҳдир. Нажаф шаҳрини барпо этилиши тарихи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввалambор бу шаҳарни бундай муқаддас шаҳарга айланишига сабаб бўлган шахс “хулафои рошидин” ёки “чорёрлар” деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси Али ибн Абу Толиб шахсияти ҳақида айтиб ўтишимиз лозимдир. Ҳазрат Али Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари (Фотиманинг эри). Отаси – Абу Толиб ибн Абдулмутталиб, онаси – Фотима бинту Асад ибн Ҳошим. Ҳазрат Али 9 ёшидан Муҳаммад (с.а.в.)нинг тарбиясида бўлган. Лақаби – Ҳайдар.

Маълумотларга кўра, у 661 йил 19 январда Абдурраҳмон ибн Мулжам ас-Соримий (хорижийлик оқими вакили) деган шахс томонидан Куфа масжидидан чиқиш пайтида жароҳатланади ва икки кундан сўнг вафот этади.

Ҳазрат Алининг ўлими билан боғлиқ турли ривоятлар ҳам мавжуд. Мана шундай ривоятлардан бирида айтилишича, ҳазрат Али ўз ўлими яқинлигини билиб, уни ярадор қилган хорижийни қатл этмасликлари ва ўлганидан сўнг унинг жасадини туяга боғлашлари ва туя қайси жойга бориб чўккаласа, уни ўша жойга кўмишларини васият қилган. Ҳазрат Али қандай васият қилган бўлса, унинг ўлимидан кейин жасадини туяга боғлаганлар ва очиқ далага қўйиб юборганлар. Туя 20 км. юриб, дам олиш учун чўккалаган ва ўша ерга ҳазрат Алини дафн этганлар. Унинг гўрига баланд тепалик қилиб тупроқ уюшган ва қабр атрофига чайлалар қуришган. Шундан кейин қабр атрофида яна чайлалар қурилиб, Нажаф шаҳри барпо этилган [3:37]. Зеро, ан-Нажаф араб тилидан таржимада "тепалик", "дўнглик" маъносини билдиради.

Нажаф ҳозирда Ироқнинг асосий маданий ва диний шаҳарларидан бири ҳисобланади. Унда шиаларнинг бутун дунёга машҳур университети ва бир қанча диний мактаблар мавжуд. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур университет ва мактабларда таҳсил олиш осон иш эмас. Талабалар бу ерда саккиз йил давомида сабоқ олиб, зоҳидларча ҳаёт кечиришади. Ҳар бир талабанинг ўз хужраси бўлиб, унда гилам, бир қанча ёстиқ ва кўрпа-кўрпачаларгина мавжуд. Хужраларни тоза тутиш талабалар зиммасида. Университетда жуда бой кутубхона бўлиб, унда турли фалсафий, диний асарлар, турли нашрлардаги Қуръон ва тафсирлар мавжуд. Университет биносида ва унинг атрофидаги ҳудудларда жуда кўп таҳоратхоналар, фавворалар ва ҳовузлар бор.

Бироқ, Нажафнинг энг асосий диққатга сазовар обидаси – бу ҳазрат Али масжиди бўлиб, у шаҳарнинг ўртасида жойлашган ва катта майдонни қамраб олган. Шарқшунос Жалол Иброҳимов 1980 йилларда Нажаф шаҳрида бўлганида ҳазрат Али масжидини шундай таърифлайди: "… халифа масжиди Нажафда ислом анъаналарининг мустаҳкамлигидан яна бир бор далолат беради" [3:39]. Яъни бу масжиднинг маҳобати, у ерга кириш ҳаммага ҳам насиб этмаслиги ва X асрдан буён сақланиб қолган анъаналар уни шу фикрига далилдир.

Ж.Иброҳимовнинг ёзишича, "халифа Али масжиди жойлашган майдон баланд тош девор билан ўралган бўлиб, унинг тўртта дарвозаси бор. Деворлар, дарвозалар ва минораларнинг гумбазлари кошин билан ишланган. Масжид пештоқларида Қуръондан оятлар ёзилган бўлиб, нақш каби масжидни безатиб туради ва улар ёзувдан кўра нақшга ўхшайди. Халифа Али мақбараси устидаги гумбаз ташқарисидан юпқа қилиб олтин билан қопланган ва Ироқнинг иссиқ қуёши нурларида ялтираб туради. Гумбазнинг ички қисми ясси садафдан бўлиб, худди бош узра булутсиз мовий осмон турганидек таассурот беради" [3:40].

Нажафда Ироқнинг энг катта қабристони жойлашган. Ҳар бир ироқлик мўмин мусулмон ҳазрат Али мақбарасига яқин жойга кўмилишни шараф деб билади. Бироқ, Нажаф қабристонига кўмиш жуда қиммат бўлиб, у ерга мақбара қуришга фақат бадавлат одамларнигина қурби етади.

Шарқшунос Жалол Иброҳимовнинг ёзишича, асрлар давомида ҳазрат Али мақбарасида катта хазина тўпланиб қолган ва бу хазина иккита омборда сақланади. Омборлардан бири ҳазрат Али мақбараси тагидаги ертўлада жойлашган. Бу ерда ажойиб амалий санъат обидалари – заргарлик буюмлари, катта бадиий, тарихий ва маданий қийматга эга бўлган қадимий буюмлар тўпланган. Уларнинг кўпчилиги қимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлиб, улар орасида кам учрайдиган нусхалар мавжуддир. Айтишларича, мазкур омборда ҳазрат Али қўли билан ёзилган Қуръон бор экан. Иккинчи омбор эса, масжиддан ташқарида жойлашган. Унда турли хилдаги қуроллар жамланган бўлиб, уларнинг баъзилари заргарлик санъати асари ҳисобланади. Бу ерда ҳам қимматбаҳо тошлар бор. Айтишларича, иккинчи омборда дунёда энг қиммат ҳисобланган гилам бўлиб, унинг нархи ҳозирги вақтда тахминан 2.5-3 млн. долларга баҳоланган. Унинг узунлиги – 92 метр, эни – 1.8 метрдир. Ҳақиқатдан ҳам бу омборлардаги бойлик жуда катта бўлиб, бу ҳақида кўпгина манбалар шаҳодатлик беради. Бу бойликлардан фақат мамлакат катта қаҳатчиликка учраганда фойдаланиш мумкин[3:40]. Лекин ҳозирга қадар бу бойликлар ишлатилмаган. Ироқ воқеаларидан кейин бу омборларнинг тақдири ҳали номаълум.

Зиёрат қоидаларидан яна бири Ибн Баттутанинг асарида шундай келтирилади:

“Тилла ва жом (идиш)да гулоб, мушканбар ва бошқа хушбуй ҳидлар таратувчи ўсимликлар қабр ёнига қўйилган бўлиб, зиёратчилар бу жомга қўлларини текказиб, бош ва юзларига суртадилар …”[9:185]. Ибн Баттута зиёрат қоидалари ҳақида қуйидагиларни ҳам баён этади: “ халифа Али зиёратгоҳи барча карамотлар манбаи бўлиб, ражаб ойининг йигирма саккизинчи куни кечки пайт ироқликлар, хуросонликлар, форслар ва румликлар ўттиз қирқта кишилик гуруҳ тузиб, ҳуфтон намозидан сўнг тавоф қиладилар ва шол касалига мубтало бўлганлар қабр аторофида ерга ўтириб намоз ва зикр қилиб ўз зиёратлари билан машғул бўладилар. Вақт тундан ўтганида барча шифо топган касаллар соғлом бўлиб, ўрниларидан ўзлари турадилар. Улар “Ла илаҳа иллалоҳ Муҳаммаду расулуллоҳ Али валиуллоҳ” деб зикр этишади. Улар ўзлари ҳақида шундай ҳикоя қилишади. Мен гарчи шу куни кечқурун уларни тушунмаган бўлсам-да, бу ҳикояни бошқа биров гапириб берди. У ҳарам мадрасасида уч нафар кишиларни кўрган экан. Улардан учаласи ҳам ерда ўтирган экан. Улардан бири Румдан, иккинчиси Исфахондан, учинчиси Хуросондан келган эди. Уларни қидириб топдим. Уларнинг айтишларича, бу йил ўз дардларидан озод бўлишмабди. Энди кейинги йил ҳудди шу куни кечқурун келишни кутишар экан” [9:185-186].

Ундан ташқари, Ибн Баттута “Ироқ шаҳарларидаги ҳар бир киши касал бўлиб қолса, халифа Али мақбарасига келиши”, айниқса, “қишлоқ аҳолиси касалга дучор бўлиб қолса, олтин ва кумушдан одам калласи баробар” тортиқ олиб келиши, “агар кимнинг қўли, оёғи ёки бошқа аъзолари оғриса, шу аъзолар шаклида олтин ва кумуш олиб келиб тортиқ қилиш”и ва “мазкур хазина жуда катта” [9:186] лиги ҳақида ҳам ўз “Саёҳатнома”сида баён этган.

Маълумотларга кўра, Нажафда ҳазрат Али мақбараси яқинида энг йирик шиа қабристонларидан бири жойлашган. У ерга ҳар бир мусулмон шиа дафн этилишни шараф деб билади. Лекин у ерда дафн этилиш қимматга тушади[1:174].

Ривоятларга кўра, муқаддас жойларга дафн этилган киши гўр азобидан, Мункар ва Накир саволларидан озод бўлади, яъни марҳум руҳи имомлар ҳимояси остида бўлади, деб фараз қилинади. Шу мақсадда бир қанча асрлардан бери марҳумларнинг қариндошлари мурдаларни муқаддас шаҳарларга олиб келишади. Жасадларни муқаддас шаҳарга олиб келиш яқин ўтмишда ҳам фақат от-аравалар воситасида амалга оширилар эди. Шунинг учун ҳам бу ерларга жасадлар етиб келгунга қадар анча уруниб қолар эди. “Нажафда баъзида чанг ҳаво билан бирга қуланса жасад ҳиди ҳам келиб турар, марҳум қариндошлари тавоф қилгунга қадар бундай ҳид таралар эди. Нажаф – Ҳиндистон, Эрон ва бошқа жойлардан келган марҳумлар жасадларини буюк ва қудратли инсонлар жасадлари билан учраштирадиган жой”[12:88]. Мана шундай қийинчиликларга қарамай, муқаддас жойларга дафн этиш одати ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Исломда ҳазрат Али шахсига ва унинг қабрини зиёрат қилишга муносабат турличадир. Ислом тарихига ҳазрат Али фожиавий шахс сифатида кириб келган. Суннийлар уни тўртинчи халифа сифатида тан олишган. Ўз вақтида хорижийлар ҳазрат Али шахсига ўта салбий муносабатлар билдирган бўлсалар-да, ҳадисларда зиёратга мунозарали масала сифатида қаралса-да, ҳанбалийлар ақидаларида, Ибн Таймия асарларида, ваҳҳобийларнинг диний амалиёт ва асарларида қораланган бўлса-да, шиалар ва шиалик йўналишининг баъзи фирқалари ҳазрат Али шахсини илоҳийлаштириб, уни Муҳаммад (с.а.в.)дан ҳам юқорироқ қўядилар. Ҳазрат Али диний ва дунёвий ҳаётнинг гуноҳсиз шахси ҳисобланади. Шиалар уни барча яхши фазилатлар соҳиби, ички ва ташқи диний билимларни билувчи ва тафсирловчи деб биладилар[13:112].

Ҳазрат Али шахсини шиалар ўртасида илоҳийлаштириш турли ривоятларнинг келиб чиқишига ва Марказий Осиё ҳудудида бир неча қадамжо ва мозорларни ҳазрат Али номи билан боғлаб, муқаддаслаштиришга олиб келган. Марказий Осиёда бундай муқаддас жойлар Шоҳимардон, яъни “эрлар шоҳи”, “мардлар шоҳи” номи билан юритилади. Бу ҳазрат Алига берилган номлардан бири бўлиб, турли ривоятларга кўра, ҳазрат Али жангларда жасурлик, мардлик кўрсатиб шу номга сазовар бўлган. Нақл қилинишича, ўлими одидан ўғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнларни

чақириб: “Жигарбандларим, бугун сизлар билан абадий видолашсам керак. Эртага эрталаб оқ туя минган бир бадавий келиб, сизлардан менинг жасадимни сўрайди. Сизлар дарҳол жасадимни унга топширинглар! Аммо зинҳор унинг орқасидан эргашманглар”, деб васият қилади. Ўғиллари йиғлаб, “Унинг ортидан бормасак, қабрингизни қаердан излаб топамиз”, деб сўрайдилар. Ҳазрат Али қаерда уч томони тоғ билан ўралган текислик бўлса, ўша ер менинг қабрим бўлади, деб дунёдан кўз юмади. Дунё бўйича ана шундай маскандан еттитаси мавжуд[5:51-54; 10:320].

Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Шоҳимардон қишлоғида ҳазрат Али номи билан боғлиқ муқаддас жой бўлиб, у Олой тоғининг 1540-1570 м. баландлигида жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида Шоҳимардон ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Чамаси бу муқаддас жой тахминан XVII-XVIII асрларда машҳурликка эга бўлиб, Фарғона водийсининг энг қадрли муқаддас жойига айланган. XIX асрда Шоҳимардон Қўқон хонлигининг ҳоким ва амалдорларининг асосий зиёрат жойига айланган[11:310-311].

XX асрнинг 20-йилларида Шоҳимардон шайхлари Совет ҳукуматига қарши кайфиятда бўлганлар. 1929 йил Шоҳимардонда машҳур инқилобий ёзувчи ва давлат арбоби Хамза Ҳакимзода Ниёзий ўлдирилган. Шундан сўнг Шоҳимардондаги муқаддас жой атрофидаги қишлоқ Хамзаобод номини олган. 1950 йилларда у ердаги олдинги мақбара бузиб ташланиб, унинг ўрнига Хамза қабрига мақбара қурилган. Шунга қарамай, бу жой ҳазрат Али номи билан боғлиқ муқаддас жой ҳисобланиб, нафақат Фарғона водийси, балки Марказий Осиёнинг барча аҳолиси учун зиёраттоҳ бўлиб қолаверган. Шоҳимардон ҳудуди ва унинг атрофи расмий равишда дам олиш оромгоҳига айлантирилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу қишлоққа Шоҳимардон номи қайта берилган[4:110].

Марказий Осиёда ҳазрат Али номи билан боғлиқ яна бир қанча афсонавий муқаддас жойлар мавжуд. Шулардан бири Хива шаҳри ташқи қалъасининг Шоҳимардон дарвозасидан чиққач, 1 км. нарида жойлашган Бадирхон қишлоғидаги катта қабристондаги мозордир ва уни “бу мозорда эр- йигитларнинг шоҳи – ҳазрат Али ётибди” [6:8] деб аташади. Ундан ташқари Фарғона водийсининг Соха деган ҳудудидаги “Йигитпирим” мозорида ва Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида ҳам ҳазрат Али қабри мавжуд.

Марказий Осиёнинг баъзи ҳудудларида шундай жойлар борки, халқ бу ерларни ҳам ҳазрат Али номи билан боғлайди. Ривоятларга кўра, ҳазрат Али Марказий Осиёни босиб олишда шахсан ўзи қатнашган ва бу ерни кофирлардан озод қилиб, жангда ҳалок бўлган. Шунинг учун ҳам ҳазрат Али тўхтаб ўтган, намоз ўқиган ёки қандайдир жасоратлар кўрсатган ерлар ҳам муқаддаслаштирилган. Бундай жойлар қадамжо, яъни “оёқ изи қолган” ерлардир. Яна ҳазрат Али қиличи изи қолган жойлар ҳам бўлиб, улар Зулфиқор деб аталади. Масалан, Наманган вилоятининг Ғова қишлоғидаги Кескантош мозори бунга мисол бўла олади. Яна бошқа ерларда ҳазрат Али ўз ҳассаси билан ерга урганда у ердан чашма ёки булоқ чиққан ва баланд дарахтлар ўсиб чиққан муқаддас жойлар ҳам мавжуд. Масалан, Тожикистоннинг Ўратепа шаҳридаги “*Хауз-э Мўрон*”, Ленинобод вилоятидаги “*Чашма-э Арзанак*”, Наманган вилояти Балиқли қишлоғидаги “*Султон Вайс*”, Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳридаги “*Ахтам саҳоба*” мозорлари бунга яққол мисолдир. Яна бошқа муқаддас жойлар бўлиб, ҳазрат Али намоз ўқиганда қолдирган қўл изларини (“*панжа*”дейилади) Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида учратиш мумкин. Ҳазрат Алининг Дулдул деган отининг излари ҳам муқаддас ҳисобланиб, бундай муқаддас жойлар Дулдул номи билан Туркманистоннинг Ашхобод тумани Ёнбош, Эски Нисо қишлоғи, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларида мавжуд[4:110].

Туркманистондаги Ёнбош қишлоғи Копетдоғ тоғининг этагида Дулдул номи билан боғлиқ тош бордир, у *Дулдул даш* дейилади. Ривоятларга кўра, ҳазрат Али намоз ўқиш учун тўхтаганда отини темир қозиққа боғлаб қозиқни шу тошга қоқиб қўйган экан. Ўзи эса 30 метр пастроқдаги тошнинг устида намоз ўқиган экан. Ушбу тош ҳам сақланиб қолиб, у *Намоз даш* деб аталади. Унда ҳазрат Али ўз панжа изларини қолдирган экан. Яна 50-60 метр пастроқда муқаддас ҳисобланган *Богаз даш* (Ҳомиладорнинг тоши) номли тош бордир. Ушбу тошнинг олдига асосан бепуштликдан

даво истаб, фарзандли бўлиш ниятида бўлган аёллар ташриф буюрадилар, *Намоз даш* устида намоз ўқиб, *Богаз даш*га суяниб илтижо қиладилар[2:69-72].

Ҳазрат Али Хоразмга келиб ўз маҳоратларини кўрсатгани ҳақида ҳам ривоятлар мавжуддир. Масалан, Хоразмга келганида намоз ўқиш учун Маккага ўзининг қанотли Дулдул деган отида бормоқчи бўлиб Амударёдан сакраган экан Дулдул олди оёқлари билан қирғоқни босиб, орқа оёқлари сувнинг устида қолиб кетган экан[7:52-58].

Маълумки, ҳазрат Али ҳеч қачон Марказий Осиё ҳудудида бўлмаган. Муқаддас жойларда хизмат қилувчилар ҳазрат Али ҳақидаги афсонавий ривоятларга асосланиб, уларни далилламоқ учун, ҳазрат Али қабри қандай қилиб Марказий Осиёга келиб қолганини турлича изоҳлашмоқчи бўладилар. Масалан, шундай изоҳлардан бири шундай баён этилади: ҳазрат Али вафот этгандан кейин, унинг жасадини ўз юртида кўмиш учун турли гуруҳлар талабгор бўлган. Жанозага келган ҳар бир гуруҳлар ўз тобутларини очишганда, ҳар бирининг тобутида ҳазрат Али жасади ётган экан. Шунинг учун ҳам еттита (баъзи ривоятларга кўра ўн битта) жойга уни дафн этишган экан. Яна бир ривоятга кўра, ҳазрат Али жасадини осмондан туя келиб олган ва улар изсиз йўқолишган. Лекин шундай далил сақланиб қолганки, ҳазрат Али қабри икки дарё, яъни оқ ва қора дарё қуйилишида жойлашган. Бунда оқ дарё тоғлардаги оппоқ қорларни эришидан келиб чиққан ва қора дарё ер тагидан чиққан сув, деб айтилади. Мана шундай жойлардан бири Шоҳимардондаги ҳазрат Али мозоридир[8:64].

Ҳазрат Алини Марказий Осиёда бундай машҳурлигига сабаб, исломдаги шиа йўналишининг турли оқимлари – кайсонийлар, исмоилийлар ва бошқа оқимлар ақидаларининг таъсири натижасидир. Чунки бу оқимлар илк ўрта асрларда мазкур ҳудудда фаолият олиб борганлар. Ундан ташқари, ҳазрат Али шахсини илоҳийлаштиришда сўфийлик ҳам катта роль ўйнаган. Чунки сўфийлар ҳазрат Али шахсини жуда эъзозлаганлар, улар ҳазрат Алини *эзотерик* (яширинган, пинҳона) билиб, ўз соҳиби ҳисоблаганлар.

Шундай қилиб, Ҳазрат Али номи билан боғлиқ муқаддас жойлар, унга тегишли бўлган буюмлар ва унинг авлодлари номи билан ҳам боғлиқ. Шиаларнинг фикрича, Ҳазрат Али диний ва дунёвий ҳаётнинг гуноҳсиз шахси, барча яхши фазилатлар соҳиби, зоҳирий ва ботиний илмларни билувчи ва тафсирловчисидир. Ҳазрат Али шахсини шиалар ўртасида бундай илоҳийлаштирилиши туфайли турли ривоятларнинг келиб чиқишига ва ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам Ҳазрат Али номи билан боғлиқ муқаддас жойлар вужудга келган. Ушбу муқаддас жойларни зиёратига келган кишилар Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёрати вақтида каби айрим амал қилинадиган тартиб-қолидалар, удум ва маросимларни бажарадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Герасимов О.Г. На ближневосточных перекрестках. – М.: Наука, 1979.
2. Демидов С.М. Легенда и правда о «святых» местах. – Ашхабад, Ылым, 1988.
3. Ибрагимов Дж. На земле потомков Аладдина. – М.: Наука, 1988.
4. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Восточная литература, 1999. Т. 2.
5. Петраш Ю.Г. «Священный» обман. – Т.: Узбекистан, 1965.
6. Раҳмонов А., Юсупов С., Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Ўзбекистони Сўрх” бирлашган нашриёти, 1963.
7. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983.
8. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистан. – Т.; 1960.
9. سفرنامه ابن بطو طه (Ибн Баттута сафрномаси). Форс тилида. Таржимон Доктор Муҳаммад Али Мужад. – Теҳрон. 1348/1969-1970. 1-жилд.
10. From history to theology: Ali in Islamic beliefs. Edited by Ahmet Yasar Ocak. – Ankara, Turkish Historical Society. 2005.
11. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М.: 1950. – С. 310-311.
12. Хисматтулин А.А. Смерть и похоронный обряд в исламе. – М.: Наука, 2000.
13. Ҳазрат Али ҳақида қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Рафъиддин. – Т.: Ёзувчи. 1992.